

**МУТАХАССИСЛАРНИ КОМПЕТЕНТЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА
ТАЙЁРЛАШДА ЎЙИН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ**

Ташметова Азиза Сагдуллаевна

Ўзбекистон Республикаси ИИВ

2-сон академик лицейи

Инглиз тили фани катта ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада мутахассисларни компетентли ёндашув асосида тайёрлашда ўйин технологияларининг ўрни ва роли баён этилган. Ўйинларнинг энг муҳим функциялари ажратиб кўрсатилган. Ўқув жараёнида ўйин технологияларини бошқа технологиялар билан уйғунлаштириш ҳамда ўйин технологияси асосида ўқитишнинг бошқа ўқитиш методларидан афзалликлари ёритилган.

Таянч сўзлар ва иборалар: компетентлик, касбий компетентлик, компетентли ёндашув, ўйин, ўйин технологияси.

Annotation. In this article it is revealed the role and importance of using games in teaching specialists in the way of competence. It is shown the main functions of the games and also the importance of using games in the process of teaching together with other method.

Keywords: competence, professional competence, ways of competence, game, techques .

Мутахассислар касбий компетентлигини шакллантиришни билим олишга қизиқиш ва қобилиятни, педагогик маданиятни такомиллаштиришга чорловчи омил сифатида шакллантириш лозим. Муаммони ҳал этишнинг муҳим омили сифатида бўлажак касб таълими ўқитувчиларидан педагогик такомиллашиш, касбий билимларни чуқурлаштириш ва малакасини ошириш талаб этилади.

Ҳозирги вақтда касбий компетентликни шакллантиришда касбий йўналтирилган ўқитиш технологиясига (ишбилармонлик ва ролли ўйинлар ва бошқалар) катта эътибор берилмоқда.

Бугунги кунда ўқув жараёнига фаол қўлланилаётган касбий йўналтирилган ўқитиш технологияларидан бири ўйин технологиясидир.

“Ўйин” тушунчаси кенг ҳажмли ва ноаниқ тушунчалардан бири бўлиб ҳисобланади. Ўйиннинг психологик-педагогик таърифларидан энг асосийси бўлиб, фаолиятнинг алоҳида тури сифатида унинг ўзига хосликларининг қайд этилиши ҳисобланади.

Ўйин ўзининг вужудга келишига кўра ижтимоий восита сифатида тавсифланади, унинг ёрдамида инсон ўзини ўраб турган оламни, ижтимоий муносабатларни эгаллайди. Л.В.Лавриненконинг таъкидлашича, ўйин универсал фаолият шакли бўлиб, унинг доирасида асосий илғор ўзгаришлар юз беради. Ижтимоий тажрибаларни такрорлаш ва эгаллаш орқали у инсоннинг шахсий онгини ривожлантиради.

Ўйин инсоннинг ҳақиқий ҳаракатларига тақлид қилишга қаратилган фаолият туридир. Ўйин фаолияти шахс сифатида шахснинг янги фазилатларини ривожлантиришга олиб келади. Айнан ўйиндаҳулқ атвор меъёрларининг яхши эсга олинади, ўйинтаълим олувчини ўргатади ва тарбиялайди. Ўйин фаолияти диққат, хотира, фикрлаш, барча билиш жараёнларининг ривожланишига таъсир қилади [4].

Ўқув ўйинлари бошқа фаолиятга “бирикиб” кетадиган жараён, билишга қизиқишни рағбатлантириш методи сифатида мустақил ва автоном фаолият бўлиб, фаол ўқитиш технологияси (масалан, ишбилармонлик ўйинлари), предметли борлиқни ва касбий фаолиятнинг ижтимоий мазмунини такрор ҳосил қилиш шакли, амалиётнинг берилган тури учун хос бўлган муносабатлар тизимини моделлаштириш (ишбилармонлик, ролли ўйинлар), ўргатувчи вазифаларни бажариш учун катталар томонидан ташкил этиладиган ўйин тури сифатида юзага келиши мумкин [1; 2].

Болалар ўйинлари узоқ даврлар мобайнида ўйиннинг энг кенг тарқалган шакли бўлиб ҳисобланиб келинган. Аммо, ҳозирги вақтларда ўйин таълим муассасаларида ташкил этиладиган ўқув тарбия жараёнида ўзининг сезиларли

ўрнига эга, яъникатта ёшли аҳолининг, шу жумладан олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларни бўлажак касбий фаолиятга тайёрлашда, таълим муассасаларида фаолият юритаётган ўқитувчиларни қайта тайёрлашда, жамият ҳаётидаги муаммоларни инновацион йўл билан ҳал қилишда етарлича юқори мақомга эга бўлиб олди [6].

Ўйинларнинг аҳамияти ўқув жараёнига инновацион технологиялар кенг қўлланилаётган бугунги кундаяққол сезилмоқда. Ўйинлар таълим оловчиларнинг ўқув фаолиятига қизиқишни рағбатлантиради, бу ўз навбатида унинг билиш жараёнини, креатив сифатларини кучайтиради, ижобий эмоцияларни, биргаликда ҳаракат қилишга интилишни келтириб чиқаради. Ўқув ўйинларини қўллаш орқали бўлажак касб таълими ўқитувчиларинафақат ўйин ҳаракатларидан, балки ўзларининг интеллектуал салоҳиятларини юзага чиқаришдан, бирга ҳаракат қилишдан, ҳам билишга доир, ҳам касбий йўналтирилганликка эга бўладиган муаммоларни жамоавий ҳал қилиш йўллариини излаб топиш ва биргаликда қарор қабул қилишдан ҳам қониқиш ҳосил қиладилар.

Ўқув ўйинлари аниқ ҳолатларда иштирокчиларнинг биргаликда ҳаракат қилишга қобилиятиликни, коммуникатив малака ва кўникмаларнинг ривожлантирилишини юзага келтирадиган реал (эмоционал тус берилган, амалий-йўналтирилган) вазиятларнинг имитацияланишини ифодалайди. Ўқув ўйинлари назарий билимларга қараганда ҳақиқий билимларни юқори даражада бойитади, улар бўлажак касб эгаларининг амалий маҳорати ва кўникмаларини ривожлантиради ҳамда такомиллаштиради. Олий таълим муассасаларидаги анъанавий таълимни ташкил этиш шаклларига қараганда катта жозибадорликка эга бўлиш билан бирга ўқув ўйинлари талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини рағбатлантиради ва уларда ҳам танлаб олинган касбий йўналишдаги, ҳам унга турдош бўлган фаолият соҳаларидаги билимларни тўлдириш хоҳиш-истакларини келтириб чиқаради.

Олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган ўйин жараёнида ўқитувчи ҳар бир талабани тинглай олиши лозим, бунда унинг ўзи ҳам манфаатли тингловчига айлана олиши, барча ўйин иштирокчиларининг фикри билан ҳисоблашиши керак бўлади. Ўқитувчи ўйин жамоаларининг ҳар бир иштирокчисининг ҳислатларини ҳурмат қилиши зарур. Бу ўйиндаги муваффақиятли мулоқотнинг шартидир.

Шундай қилиб, ўйин – бу босим ўтказмасдан таълим муассасаларида ўқитишни амалга оширишнинг нодир воситасидир. Ўйин технологияси ўқувчиларнинг табиий эҳтиёжлари ва хоҳиш-истакларига мос келади, шунинг учун ҳам ўйин технологияси воситасида ўқиш таълим оловчи учун қулай бўлади. Ўйинларга боғлиқ ҳолда таълим оловчилардаги барча билиш жараёнлари (диққатни жамлаш, хотира, фикрлаш) фаоллашади, ижодий ва касбий қобилиятлар ривожланади. Ўргатувчи ўйинлар чарчоқни ёзишга, психологик тўсиқларни бартараф этишга ёрдам беради. Улардан фойдаланиш ҳар доим яхши натижаларга олиб келади, ўқув фанига қизиқишни кучайтиради, диққатни асосий нарсага, яъни ўйин давомидатабиий мулоқот қилиш шароитларида ҳамкорлик қила билиш кўникмаларини орттиришга қаратади.

Ўйинларнинг ўқув жараёнидаги ўрни ва роли ўқитувчининг педагогик ўйинларнинг функцияларини қай даражада тушунишига боғлиқ. Ўйинларнинг қуйидаги энг муҳим функцияларини ажратиб кўрсатиш мумкин [3]:

1) ижтимоий-маданий (шахснинг шаклланишига таъсир қилувчи билимлар, жамиятнинг меъёрлари ва қадриятларини эгаллаш, турли мамлакатларнинг маданияти, маънавий қадриятлари, бир-бирлари билан ўзаро муносабати билан танишиш);

2) коммуникатив (болалар ва катталарнинг бир-бири билан ўзароалоқаси);

3) ўйин терапияси (инсонлар билан алоқа қилишда вужудга келадиган қийинчиликларни енгишга, инсоннинг ўзидуч келган ҳар қандай қийинчиликларни бартараф этишга ёрдам беради);

4) тузатиш (мослашиш, ҳатти-ҳаракатларида четланиш бўлган таълим олувчиларга ёрдам берилади; ёки ўйиннинг барча иштирокчилари бир хил шароитда бўлади);

5) миллатлараро мулоқот (ҳамма учун бир хил ижтимоий-маданий кадриятларни (бағрикенглик, хорижий мамалакатлар маданиятининг хусусиятларини етарлича идрок этиш)) эгаллаш;

6) кўнгилхушлик (ўзига ишонишга, ўз имкониятини намоён этишга олиб келадиган қулай муҳитни яратиш);

7) ўз-ўзини англаш функцияси (бу энг муҳим функция, чунки ўйин шахсни рўёбга чиқаришнинг етакчи йўналишларидан бири ҳисобланади) ва терапевтик функцияси (ўйин инсон дуч келадиган ҳар қандай қийинчиликларни енгиш учун ишлатилади).

Ҳар қандай ҳолатда ўйинларнинг асосий ажралиб турадиган хусусияти бу аниқ белгиланган мақсад ва унга мос келадиган педагогик натижадир.

Тўғри тузилган ўйин қуйидагиларга имкон беради [5]: хотирани тарбиялайди, нутқ қобилиятини шакллантиради; гуруҳли топшириқларни бажаришда жамоа билан биргаликда ҳаракат қилишни ўргатади; фаолиятни ташкил қилишни, ўйин муаммоларига ечим топишни, иш унумдорлиги ва иш сифатини баҳолашни ўргатади; талабаларнинг ақлий меҳнатига туртки яратади.

Ҳар бир ўйин тури учун ўз технологияси мавжуд бўлади. Лекин шунга қарамасдан, исталган таълимий ўйинда касбий педагогикада қўлланиладиган ҳар бир ўйин учун типик бўлган қуйидаги бир қатор операциялар ва ҳаракатлар хос: моделнинг ўқув макониди реал вазиятни яратиш, унда реалликнинг барча аҳамиятли белгилари намоён бўлиши керак; ролларни белгилаш, уларнинг ўқув маконидаги ўзаро ҳаракатлари

моделлаштириладиган зиддиятливазиятнинг ҳар хил томонларини такроран ҳосил қилади; бўлажак фаолиятга қизиқишни, мотивациянинг пайдо бўлишига ёрдам берадиган ижобий эмоционал кайфиятни яратиш; ролларни ўзлаштириш бўйича таълим олувчиларнинг фаол фаолиятини ташкил этиш; таълим олувчилар томонидан ўз фаолиятини рефлексиялашнинг амалга оширилиши; моделлаштириладиган ўзгарувчан реал вазиятлар доирасида ўқувчиларнинг бир неча марталаб амалга ошириладиган ҳаракатлари.

Ўйин ва ўйин технологияларини ўқув жараёнига уларни бошқа технологиялар билан уйғунлаштирган ҳолда киритиш ўқувчиларни ўқитиш жараёнини янада самаралироқ қилади.

Ўйин технологиясиасосида ўқитиш бошқа ўқитиш методларидан шуниси билан афзалки, бунда у реал ҳаётий шарт-шароитларга яқин бўлган вазиятларда бирмунча вақт яшаш имконини беради. Бунда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ўйин технологиялари ҳеч қачон ўқитишнинг кўп йиллик тажрибалари билан текширувдан ўтган анъанавий ўқитиш технологияларининг ўрнини бутунлай эгаллаб олмасдан, балки уларни тўлдиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Байкова Л.А. Технология игровой деятельности: учебное пособие - Рязань: Изд-во РГПУ, 2005. С. 120.
2. Берлянд И.Е. Игра как феномен сознания. – Кемерово: Гуманитарный Центр, 2003. С. 96.
3. Бондарева, М.М. “Роль игровых технологий в образовательном процессе”. Основные вопросы теории и практики педагогики и психологии: материалы конференции. Омск, 2015. С. 118–119.
4. Daminov O.O. Game competence as the process of professional competition on the professional education teacher // International Journal of Advanced Science and Technology. 2019. Vol.28, -№20. -P. 890-896.

5. Дуркин П.К., Лебедева М.П. “Игры как средство обучения и воспитания студентов”. Вестник Северного (Арктического) федерального университета. 1 (2015): 134-143. (Гуманитарные и социальные науки).

6. Викторова К.М., Ткачук М.А. “Роль игровых технологий в формировании общих и профессиональных компетенций обучающихся”. Образование. Карьера. Общество. 4-1(40) (2013): 79-81.